

Меҳнат ва касб-ҳунар тарбиясида устоз-шогирдликнинг аҳамияти

Муранов Б. И. п.ф.н.доцент, Самарқанд ВПКҚТМОИ,

Кишилиқ жамияти шаклланишидан буён инсонлар ўзларининг ҳаётий меҳнат тажрибаларини ёш авлодига ўргатиб келади. Қулай яшаш учун бошпаналар тайёрлаш, тош, суяк, бронза (жездан) кейинчалик эса, темир (пўлат) дан турли хил меҳнат қуроллари, мосламалари тайёрлаш, чорвачилиқ ва деҳқончиликнинг ривожланиши ҳам турли мақсадли фаолиятларнинг, яъни, касб-ҳунарларининг тараққий этишига сабаб бўлади. Кичик қабилаларининг кенгайиб, йирик халқларга, элатларга айланиши, майда давлатларнинг турли ҳудудлар учун қўшни мамлакатларга ҳужум қилишлари уруш ҳаракатларининг келиб чиқишига сабаб бўлди. Уруш ҳаракатларида эса ҳужум ва ҳимоя қуроллари, мосламалари, қурилмалари, жанг қуролларининг, аскарлар ва лашкарбошиларнинг кийимлари, жиҳозларининг кўплаб тайёрланишига ва қулланишига хилма-хил эҳтиёжларни келтириб чиқарди. Тарихнинг кўҳна сарварақларида турли меҳнат қуроллари, уруш анжомлари, ҳужум ва ҳимоя жиҳозларини моҳир ҳунармандлар, касб-ҳунарлар сулоалари вакиллари тайёрлаганлар. Халқ ҳунармандчилигининг ҳозирда 150-180 хилдан зиёд турлари сақланиб қолган ва ривожланаётган бўлсада, совутчилик, налчилик, рехтагарлик каби турлари деярли йўқолиб бормоқда. Ҳунармандчиликнинг қуллолчилик, темирчилик, сандиқсозлик, бешикчилик, турли хил миллий матолар (беқасам, адрас, атлас ва бошқа) тўқувчилик, пичоқчилик, кўнчилик, каштачилик, зардўзлик каби кўплаб соҳалари узоқ даврлардан буён ривожланиб келган ва ҳозирда ҳам тараққий этмоқда. Ушбу ҳунарларнинг ривожланишида устоз-шогирдлик тизимининг ўрни, аҳамияти катта бўлиб, бу тизим асрлар давомида шаклланиб ва ривожланган. Устоз ҳунарманд ўз тажрибаларини, ҳунарлар сир-асрорларини нисбатан узоқ вақт мобайнида (10-14 йил) шогирдларига ўргатиб борганлар, бу ишда уларга тажрибали

шогирдлари-халфалар ёрдам берганлар. Ота-оналар, воситалар ўз фарзандларини устага “эти сизники, суяги бизники” деган нақл асосида белгиланган вақт давомида шогирдликка олиб келиб берганлар. Бундай устоз-шогирдлик тизимида ўргатиш ва ўрганишнинг асосий услублари шахсий намуна кўрсатиш, тинимсиз меҳнат (машқ) қилиш бўлган. Улуғ мутафаккир алломалар ҳам ўзларига илм йўлида шогирд танлашларида аввало, бўлғуси шогирднинг бирор касб-хунари бор-йўқлигини, суриштирганлар. Агар бўлғуси шогирд хунари соҳиби бўлса, уни шогирдликка қабул қилинганлар, агар хунари бўлмаса, аввало “хунари ўргангач, сўнгра илм ўрганасан, чунки, хунари ҳаёт борлиқ ташвиши, илм эса абадият, охираат рамзидир” деганлар. Жуда кўп мутафаккирлар, алломалар касб-хунари эгалари бўлганлар, масалан, Паҳлавон Маҳмуд-пўстиндўз, шоир Жавҳарий-совунгар, шоир мавлоно Ҳавофий-тикувчи, шоир Мир Арғун Ҳамадўз-чодирдўз, мавлоно Қобулий Ғазалфуруш-калавачи, мавлоно Камардўз-тасмадўз, Бисотий Самарқандий-буйрадўз бўлганлар. Чунки, улар касб-хунари орқали ҳалол меҳнат қилиб, рўзғорини боқсалар, илм, тариқат, тафаккур орқали абадият сари қадам ташлаганлар. Сўфийлик тариқатининг асосчиларидан ҳисобланган Баҳоуддин Нақшбандий ҳазратлари “Дил-ба ёрўу, даст-ба қор” (қўлинг меҳнатда-ю, қалбинг Оллоҳда бўлсин) деб таъкидлаганлар. Шарқ халқларининг қадимий ёдгорликларидан ҳисобланган “Авесто” да “Яхшилик ва эзгулик яратиш учун киши, меҳнат қилиши, ўз қўллари билан моддий неъматлар яратмоғи лозим” дейилади. Жумладан, ислом динининг муқаддас китоби ҳисобланган “Қуръони Карим” да ҳам, унинг оятларини, суралари моҳиятини халқ орасида тарғиб қилиш учун яратилган ҳадиси шарифларда ҳам ҳалол меҳнат, касб-хунариларни эгаллаш афзаллиги уқтирилган. Жумладан, буюк муҳаддис (ҳадисшунос) Ҳожа Исмоил, Имом ал Бухорийнинг “Ал-жомийъ ас-саҳиҳ” (Ишонарли тўплам) асарининг “Савдосотиқ китоби”да шундай дейилади: “Ойша разияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: Расуллоҳ салаллоҳу алайҳи вассаллам: “Менинг саҳобаларим ўз

касблари (меҳнатлари) билан тирикчилик қилурлар”-дедилар Шунингдек, ушбу тўпламнинг 2-қисмида 19-боб гўшт сотувчи ва кассоб ҳақида, 26-боб буёқчи ҳақида, 27-боб темирчи ҳақида, 29-боб тўқувчи ҳақида 30-боб дурадгор ҳақида китоблари мавжуддир.

Меҳнат ва касб-хунарларни ўрганиш афзаллиги, тамойиллари, тартиб-қоидалари тўғрисида жуда кўплаб мутафаккир, донишмандларнинг тарихий асарларида, меросларида баён этилган. Узлуксиз таълим тизимининг барча таълим муассасаларида, оилада, маҳалла жамоатчилиқда, барча соҳаларда ёшларга касб-хунарлар ақидаларини ўргатиб бориш зарур бўлади. Касб-хунарлар рисоалари хунар кишиси фазилатлари, тартиби, одоби мажмуаси пирлари, машойихлари, муқаддас қоидалари тўғрисида тинимсиз изланишлар олиб бориш, тадқиқотлар натижаларини ёшларга ўргатиб сингдириб бориш ҳар бир устоз, мураббийнинг ҳозирги даврдаги долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Зеро, Президентимиз И.А. Каримовнинг 1997 йил 31-мартдаги “Халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонидаги ва 2006 йилда қабул қилинган маҳаллий саноат ва касаначилиқни ривожлантириш тўғрисидаги қатор фармонларидаги “Ёшларни халқ санъати усталарининг кўникмаларига ўқитиб, ўргатиш учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтиришда амалий ёрдам кўрсатиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар, туман ҳокимликларининг, республика вазирликлари ва идораларининг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблансин” деб таъкидлаган йўл-йўриқларининг амалдаги ижросини таъминлаш ҳар бир ота-онанинг, ҳар бир фуқаро ва раҳбарнинг бурчи ҳисобланиши лозим.